



Қадимги Миср тарихини ўрганишда муҳим маълумотлар берадиган манбалар жуда кам. Бундан ташқари, бу манбаларнинг аксарияти папирусда ёзилгани учун улардан факат айримларигина бизгача етиб келган. Жумладан, қадимги Миср тарихида 18-сулоланинг охири 19-сулола ҳукмронлигининг бошланишида руи берган йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳақида қимматли маълумотларни ўзида ақс эттирган "Ипувер насихатлари" номли манба ҳам папирусга ёзилгандир. Ушбу папирус XIX аср бошларида Мемфис шаҳри яқинидаги Саккара ҳаробаларидан топилган бўлиб, у 1828 йилдан буён Голландиядаги Лейден музейида сақланмоқда. Папируснинг узунлиги 3 метр 47 см бўлиб, уни 1909 йилда илк марта машҳур мисршунос олим А. Х. Гарднер(1) инглиз тилига таржима қилган. Папирус матнида Мисрда руи берган йирик катаклизмалар: очарчилик, қурғокчилик, Мисрдан қулларнинг катта мол-мулк билан қочиб кетишлари ва бутун ўлка узра ўлимнинг ёпирилгани таърифланади. Мазкур папирус Ипувер номли бир мисрлик (руҳоний ёки зодагон) томонидан ёзиб қолдирилган. Унинг мазмунидан муаллифнинг Мисрдаги ҳалокатларнинг шахсан шохиди бўлгани аёнлашади. Папирусда Миср подшолигининг таназзули, Миср зодагонларининг аянчли аҳволи ҳусусида аниқ маълумотлар келтирилган.

Мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотларимиздан ишонч ҳосил қилдикки, "Ипувер насихатлари" атрофида изланишлар ҳали уз якунига етган эмас. А. Х. Гарднердан сўнг рус мисршуноси академик В.В.Струве "Ипувер насихатлари"ни рус тилига таржима қилиб, уни 1935 йилда изоҳлар билан эълон қилган. 1978 йилда М.А.Коростовцев,, томонидан "Ипувер насихатлари"нинг янги таҳрирдаги таржимаси эълон қилинди. Биз ана шу таржимани асос қилиб олиб, В.В.Струвенинг изоҳли таржимаси билан солиштирган ҳолда "Ипувер насихатлари"нинг ўзбек тилидаги илк таржима ва изоҳларини кизикувчиларга ҳавола этишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Таржима жараёнида "Ипувер насихатлари"та бағишланган ва интернет сайтларида эълон қилинган 300дан ортиқ тадқиқотлар ўрганиб чиқилди. Мисрда қўзғолон қутарган қулларнинг қимлиги, уларнинг қаердан келганлиги ва исённинг қайси Фиръавн ҳукмронлиги даврида содир бўлганлиги қаби мавзуларга ҳам ойдинлик киритилди. "Ипувер насихатлари"ни илк бор тадқиқ қилган олим Гарднер уни Тавротнинг Ибтидо китобидаги дунёнинг яратилиши ҳақидаги ҳикояларга ҳамоҳанг равишда ўқиш лозимлигини тавсия этган эди. Шунингдек, папирусдаги воқеаларни Вруне "топишмоқлар мажмуаси", Ланге "адабий башорат", Гарднер ва Зете "ижтимоий ўзгариш", Авдиев "синфий қураш" сифатида баҳолаган эдилар.

Папирусдаги вокеалар келажак хусусидаги башорат булмасдан, балки бўлиб ўтган вокеалар шохиди томонидан кайд этилган битиклардир. Миср подшолигининг хронологияси бўйича йирик мутахассис, профессор И. Великовский(3) папирусда баён этилган вокеаларнинг Таврот (Кадимги ахднинг Чикиш китоби)даги маълумотлар билан бир хил эканлиги хусусида фикр билдирган эди. Хорун Яхёнинг катор асарларидаги(4) кимматли маълумотлар бугунги кунда кадимги Шарк тарихини янгилаш нуктаи назардан урганишга хизмат қилади.

Авваламбор, Ўрта подшоликнинг охирида Кадимги Мисрда, асосан, огир ишларни бажаришга махкум этилган кўп сонли кулларнинг каердан келиб колганлигини аниқлаштириб олсак. Афсуски, дарсликларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Кадимги Ахд ва Куръони карим ушбу кулларнинг яҳудийлар эканлигини тасдиқлайди.

8. Миср тахтини янги подшоҳ эгаллади, қайсиқим Юсуф хақида ҳеч нарса билмас эди.

9. Ва ўз халқига қарата айтди: мана Исроил фарзандлари биздан кўра кўп ва қучлироқдир.

10. Уларни шундай алдаб қўяйликки, бошқа кўпайиб кетмасинлар, акс холда уруш вақтида бизнинг душманларимиз билан бирлашиб, бизга қарши қурол қўтариб, юртимиздан чиқиб кетадилар.

11. Ва уларнинг устига куллар бошлигини назоратчи қилиб қўяйликки, уларни огир меҳнат билан холдан тойдирсин ва улар Фиръавн учун Пиром ва Рамзее каби икки шаҳар барпо этдилар. Бирок, Исроил фарзандларини огир меҳнат билан қанчалик тинқаси қуримасин, улар кўпаявердилар"5.

Юқоридаги матнда яҳудийларнинг туб миерликларга нисбатан кўпайиб кетганлиги, уларнинг Фиръавн томонидан қулликка тортилиб, огир меҳнатга жалб этилиш жараёни баён этилган. Таврот ушбу масалага аниқлик киритади. "Чикиш" китобидан:

1. Мана Ёқуб билан бирга Миср ерига келган Исроил фарзандлари ва уларнинг авлодларининг исми:

2. Рувим, Симеон, Левей ва Иуда.

3. Иссахор, Завулон ва Бенямин.

4. Дон ва Неффалим, Гад ва Асир.

5. Ёқуб авлодларидан жами етмиш жон бўлиб, Юсуф эса олдинроқ, Мисрга келган эди.

6. Юсуф ва унинг ога-инилари ҳамда барча авлодлари ҳам вафот этди.

7. Исроил фарзандлари эса кўпайиб, бенихоя қучайиб, ўша ер (Миср) улар билан тўлиб кетди"(6).

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, Миср тарихида муҳим роль ўйнаган Юсуф (а.с.)нинг орқасидан кўчиб келган 11 ога-иниси ва 70 киши хақида маълумот берилмоқда. Демак, Миср ерига яҳудийлар Юсуф (а.с.) даврида кўчиб келишган экан. Миср подшоҳининг Юсуф (а.с.)га хурмати баланд бўлган, шу боис улар унумли ерларни эгаллаганлар ва миерликлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлганлар. Хўш, Мисрда 18-сулола ҳукмронлигининг сўнгида рўй берган ушбу ижтимоий ўзгаришлар даврига келиб, яҳудийларнинг сони қанчага етган? Бу саволга Тавротда қуйидагича жавоб бор (Чикиш 12.37 — 40).

37. Рамзесдан чиққан Исроил фарзандлари Сукоттуга йўл олди. Унинг сони ёш болалар ва аёлларни ҳисобга олганда 600.000 пиёда эркак эди.

38. Улар билан бирга бошка юртлик асирлар жуда катта сугир, куй ва эчки подалари хам бор эди.

40. Исроил фарзандлари Мисрда 430 йил яшадилар.

41. 430 йил тўлиши билан худонинг бандалари тизилган кўшиндек Мисрдан чикиб кетдилар"⁷.

Яхудийларнинг Мисрга кўчиб келиши хусусида Куръони каримдаги оятлар хам Тавротдаги маълумотларни тасдиқлайди. "Бас, (шахар ташкарисида, чодирда кутаётган) Юсуфнинг хузурига кирганларида, у ота-онасини ўз багрига босди ва "иншоаллох, Мисрга тинч-омон киргайсиз", —

деди (8) ("Юсуф", 99). Юсуф (а.с.) акалари оркали ота-онаси ва аҳди авлодларини Мисрга олиб келиш учун 200 та туя ва анжом-ускуналарни бериб юборган эди. Уларни кутиб олиш учун ўзи ва Миср шохи 4000 лашкари билан шахар ташкарисига чодир тикиб ўтирганда, улар етиб келадилар. Мехмонларнинг сони 70 нафардан зиёд эди(9).

Юкорида келтирилган оятдаги маълумотга кўра, Мисрга келган Юсуф (а.с.)нинг 11 ога-иниси кейинчалик яхудийларнинг 12 та уругига асос солишган. Ана шу 12 та уругдан таркалган Исроил кавми Мисрда катта куч-кудратга эга бўлди. Бу эса Мисрнинг кейинги давр подшолари учун катта хавф-хатар тугдирди. "Аъроф" сурасининг 105-оятдаги изоҳда: "Юсуф (а.с.) вафот этгач, Мисрда Фиръавн яхудийлар устидан зулмни кучайтириб юборган. Мисрга Юсуф (а.с.) келиши билан Мусо (а.с) келишининг оралик муддати 430 йил" — дейилади(10).

Таврот ва Куръони карим маълумотлари бир-бирини тасдиқлайди. 430 йил мобаинида яхудийлар Мисрда ниҳоятда кўпайиб кетишларини табиий деб хисобласа бўлади. Аммо 600.000 кулнинг хаммаси хам Юсуф (а.с) даврида кўчиб келган яхудийларнинг авлоди бўлмасдан, балки, фиръавнлар олиб борган истилочилик юришлари натижасида кул килиб келтирилгандир.

Фиръавн хокимияти учун куллар сонининг ошиб бориши хам, бойлик ва куч-кудратга эга бўлган яхудийлар катламининг шаклланиши хам катта хавф тугдирган. Чунки, улар хокимиятга анча таъсир ўткази бошлаган эди.

Куръони каримда яхудийларнинг Фиръавн томонидан огир азобларга тортилгани хусусида маълумот Тавротдаги фикрларни тасдиқлайди: "Сизларни (Мусо кавмини) огир азоблар билан кийнаган, кизларингизни тирик колдириб, ўгилларингизни катл этаётган Фиръавн навкарларидан куткарганимизни хам эслангиз..." (Бакара", 49). "Фиръавн кавмининг зодагонлари айтдилар: ("Эй Фиръавн!") Мусо ва (унинг) кавмини ер (юзи) да бузгунчилик килишга хамда сени ва илохларингни (тан олмай) тарк этишларига кўйиб берасанми?" (Фиръавн) деди: "Уларнинг ўгилларини (катли ом килиб) кириб ташлаб, хотинларини тирик колдирамиз ва биз улар устидан голибдирмиз!" (11). Ипувер тасвирлаган Мисрдаги дахшатли воқеалар Таврот ва Куръони Каримдаги Мусо (а.с)нинг Фиръавнга кўрсатган мўжизалари билан айнан оир хил(12). Яъни Таврот Мусо (а.с) томонидан Миср ерига ўн хил офат (десять казней) ёгдирди деса, Куръони каримда Мусо (а.с)нинг Фиръавнга тўккизта мўжиза кўрсатгани хикоя килинади.

Хуллас, Мисрда XVIII сулола охири - XIX сулола хукмронлиги даврида рўй берган ижтимоий ходисаларнинг асосий харакатлантирувчи кучи куллар, яъни яхудийлар

бўлишган. "Ипувер насихатлари"да "ўзга юртликлар сифатида тилга олинган, саройлар ва эхромлар куришдек огир ишларга жало этилган, турли жазоларга тортилган яхудийлар кирилиб кетиш арафасида турган эди.

Кадимги Миср тарихида мураккаб ва мунозарали бўлган ушбу давр п хакида "Ипувер насихатлари" дан ташкари, Ноферруху насихатлари" номли хужжат ҳам кимматли маълумот беради. "Ипувер насихатлари" даги айрим хабарлар Тавротнинг Чикиш китобидаги фикрлар билан бир хил. Хакикатан ҳам, бу тарихий хакикат бўлса, унинг хронологиясини кандай аниклаймиз?

В. В. Струве маълумотларига асосланилса, Ипувер Ўрта подшолик (мил. ав. XVIII асрнинг бошида) даврида яшаган. Бирок папирус матнининг тили ва орфографияси эса, Янги подшолик (мил. ав. 1300 й.) даврига оид(13). Икки сана орасидаги даврнинг бир-биридан анча узоклиги бизни тарихий хакикатдан узоклаштиради. Мисрда юз берган ижтимоий-сиёсий ходисаларнинг харакатлантирувчи кучи кулликка махкум этилган яхудийлар бўлиб, Тавротдаги маълумотга караганда, улар Фиръавнга Пер-Рамзес ва Пиром шахарларини куриб беришган(14). Айнан шу маълумотни В.И.Авдиев ҳам тасдиқлайди(15). Демак, Ипувер берган маълумотлар Тавротдаги маълумотлар билан бир хил бўлса, бу воқеа тарихан Рамзес II хукмронлиги даврида рўй берган деб айта оламиз. Бу фикрни Миср хронологиясини кайта кўриб чиқишни таклиф этган И.Великовский ҳам исботлаб берган. Шунингдек, сўнгги йиллардаги археологик казишмаларнинг ютуғига таянган холда, изланиш олиб борган турк олими Хорун Яхё ҳам ўз асарида денгизга гарк бўлган Фиръавн — айнан Рамзес II эканлиги хакидаги фикрни илгари сурмоқда(16). Мисрда юз берган воқеаларнинг тарихий хакикат эканлигини "Таврот" ва "Куръони карим" ҳам тасдиқламоқда. Бирок бу яқдиллик хронология масаласига аниклик киритмайди. Яъни "Таврот"даги хикоялар хронологиясига караганда, яхудийларнинг Мисрдаги кулликдан озод бўлиб чиқиб кетишлари эрамиздан аввалги 1446, 1445 йилларга тўғри келади деган фикрдалар(17). Библия хронологиясига кўра (Янги Ахд) бу воқеа мил. ав. 1350 йилда рўй берган (18). Тарихий факт эса, Рамзес II нинг хукмронлик иилларини кўрсатиб турибди (19). Бунга кўра, орадаги фарк 195 (ёки 196) йилни (Рамзес II вафот этган йил айрилган мил. ав. 1446 — 1251 = 195) ташкил этади. Шу ўринда, В.Струвенинг "Ипувер насихатлари " папирусининг тили ва орфографиясига кура, эрамиздан аввалги 1300 йилга оид, деган фикри хакикатга яқинрок. Миср тарихининг хронологиясига аникдик киритиш учун астрономик хисоб-китоблардан ҳам унумли фойдаланилган. Астрономик хисоб-китоблар ҳам табиатдаги жуда катта ўзгариш (катаклизма)ларнинг биз илгари сураётган сана Рамзее II нинг хукмронлик йилларига жуда яқин келади(20).

Мусо (а.с.)нинг хаётлик йиллари барча чигалликларнинг боши эканлигига амин бўламиз. Стокгольмдаги Библияни таржима қилиш институти чоп этган "Инжил"да Мусо (а.с.) мил. ав. 1400 йилларда яшаган дейилса (21), "Саодатга элтувчи билим"да Мусо (а.с.) мил. ав. 1666 йилда тугилиб, 1546 йилда 120 ёшда вафот этган деган маълумот берилади (22). Ёки Ислон энциклопедиясида: "Мусо (а.с.) Куръонда номи тилга олинган пайгамбарлардан бири. Миср подшоси Рамзес II даврида таваллуд топди", — дейилган (23). Шунингдек, "Мифы народов мира" китобида Мусо (а.с.) билан боглик воқеалар мил. ав. 1305— 1196 йилларга оидлигини таъқидлайди (24). Ушбу маълумот ҳам Рамзее II нинг

хукмронлик йилларига тўғри келади. Ислом тарихига оид манбаларда Мусо (а.с.) 120 йил яшаган (25). Юкоридаги маълумотларни умумлаштирган холда Мусо (а.с.) хаёт бўлган йилларни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун бизга Куръони карим тўғри йўл курсатади: "Дархакикат, Фиръавн ерда (Мисрда) тугёнга кетиб, унинг ахалисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифани (Исроил авлоди кавмини) хорлаб, ўгилларини сўяр, кизларини тирик кўяр эди. Албатта, у бузгунчилардандир" (11 Касас ", 4).

Ушбу оятнинг тафсирини Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф куйидагича таърифлайди: "Фиръавн Миср подшохи. Мусо (а.с.) дазрларида Рамзес II фиръавн бўлганлигини кўпчилик таъкидлайди..." (26). Демак, кўпчилик исломшунослар ва муфассирларимиз Мусо (а.с.)нинг Рамзес II хукмронлиги даврларида яшаганлигини таъкидлайдилар. Унда, Рамзес II қачон хукмронлик қилган, деган табиий савол тугилади. Рамзес II хукмронлик қилган йилларга аниқлик киритмасдан туриб, Мусо (а.с.) хаёт кечирган йилларни аниқлаб бўлмаслигига амин бўлдик. Афсуски, фундаментал дарсликлар ҳам бу масалага турлича ёндошади.

В.И.Авдиев Рамзес II нинг хукмронлик даврини 1317—1251 йилларда деб ёзса (27), В.И.Кузицин тахрири остида чиккан дарсликда 1301 — 1235 йиллар кўрсатилган (28). Энг янги манбалар эса Рамзес II нинг хукмронлик даврини 1290 — 1224 йилларга олиб бориб такамоқда (29). Ушбу манбанинг яна бир хусусияти шундаки, унда Мусо (а.с.)нинг Рамзес II хукмронлиги даврида тугилганлиги ва Тавротдаги хикояларнинг тарихийлиги баён қилинган. Унга кўра, Мусо Фиръавннинг буйруги билан яҳудийларнинг ўгил чакалоклари ўлдирилган йилда тугилган. Таврот ва Куръони каримдаги маълумотга кўра, (3 ойлик) Мусони сандикчага еолиб Нил дарёсига оқизадилар. Сандикчани Фиръавннинг хотини Осиё тутиб олади ва Мусони ўзига ўгил қилиб олади. Мусо (а.с.) саройда неча ёшгача тарбияланган деган саволга ҳам Куръони каримдан тўғри жавобни оламиз: "Қачонки, у вояга етиб, (қирк ёшга) тўлгач, Биз унга ҳукм (пайгамбарлик) ва илм ато этдик. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай муқофотлаймиз" ("Касас", 14). Ушбу оятнинг тафсирига эътиборингизни қаратсак: "Ҳазрати Ибн Аббос разияллоху анху: "Вояга етиш ўн саккиздан ўттиз ёшгача, мукамал бўлиш ўттиздан қирқкача" - деган эканлар".

Ана шу маъноларни эътиборга олиб, баъзи муфассир уламоларимиз, Мусо (а.с.) ушбу оятда васф қилинган пайтда ўттиз ёшлар атрофида бўлганлар, деб тахмин қилишади (30). Демак, Мусо (а.с.) Фиръавн саройида ўттиз ёшга қадар яшаган. Кейин эса Мусо (а.с.) бир мисрликни уриб ўлдиргани учун Мисрдан қочиб Мадянга кетади. Бу ерда Шуайб (а.с.) нинг кўйларини боқишга ёлланиб ишлайди. Куръони каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилинади: "(Шуайб) айтди: "Менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никохлаб бермоқчиман. Энди, агар ўн йилни битирсанг (ўн йил ишлаб берсанг) ўзингдан (марҳамат) дир. Мен сени қийнашни истамайман.

Иншоаллох, менинг солих кишилардан эканимни билурсан" ("Касас", 27)³¹. Кейинги оятда Мусо (а.с.)нинг ушбу шартни мукамал, яъни ўн йил тўлиқ бажаргани ва шундан сўнг Мисрда қайтишни режалаштирганлиги баён этилган: "Бас, қачонки, Мусо (қелишилган) муддатни ўтаб, оиласи билан (Миср томон) йўлга тушгач, Тур (тоғи) тарафидан бир

оловни кўриб колди..." ("Касас", 27).

Мусо (а.с.) кайнотаси билан келишилган муддатни ўтаб, ахли аёлини олиб Мисрга кайтганда кирк ёш атрофида бўлган, дейишга тўла асос бор. Шу ёшда Мусо (а.с.)га Тур тоғида пайгамбарлик неъматини берилган. Шу ўринда Тавротдаги маълумотни ҳам мушохада учун хукмингизга хавола этамиз. Таврот, Чикиш китоби, 7:7 бобда: "Бу пайтда Мусо (а.с.) 80, Хорун (а.с.) эса 83 ёшда эди, — дейилади" (32). Яқинда чоп этилган дарсликларда Рамзес II (1290— 1224 йилларда) 66 йил хукмронлик килганлиги айтилади. Мусо (а.с.) Рамзес II нинг хукмронлиги даврида тугилиб, 80 ёшларда Мисрга кайтиб келганда, Фиръавн аллакачон ўлган бўлиши керак эди. Юкорида келтирилган маълумотлардан келиб чикиб, Мусо (а.с.) хаёт кечирган йилларни хисоблаймиз.

1. Рамзес II (1317-1251 йилларда) хукмронлик килган (33) бўлса, Мусо (а.с.) Рамзес II ўлган йилда 40 ёшда бўлган деб хисобласак, Мусо (а.с.) 1291 йилда тугилиб, (120 ёшида) 1171 йилда вафот этган.
2. Рамзес II (1301 - 1235 йилларда) хукмронлик килган (34) бўлса, Мусо (а.с.) 1275 йилда тугилиб, 1155 йилда вафот этган.
3. Рамзес II (1290- 1224 йилларда) хукмронлик килган (35) бўлса, Мусо (а.с.) 1264 йилда тугилиб, 1144 йилда вафот этган.

"Кадимги Шарк тарихи" китобида ушбу воқеа "камбагаллар ва куллар" кўзголини сифатида бахоланиб, барча маълумотлар "Ипувер насихатлари" га асосан ёритилади(36). Кўзголон эса, ўрта подшолик даврининг охирига, миллолдан аввалги 1750 йилга олиб бориб такалади. Худди шундай фикр олдинроқ мисршунос Р. И. Рубинштейн томонидан илгари сурилган бўлиб(37), муаллиф тафсилотларни таърифлашда "Ипувер насихатлари" дан парчалар келтиради. Шундан кўриниб турибдики, мисршунос олимлар хронология борасида, анъанани бузмаган холда, кўзголонни миллоддан аввалги 1750 йилда деб, тафсилотларни тасвирлашда эса мил. ав. XIII асрда яратилган "Ипувер насихатлари" дан фойдаланиб, хронологияни бузиб кўрсатишган. Биз юкорида таклиф этаётган хронология илмий жихатдан тасдикланиб, дарсликларда ўз аксини топса, Кадимги Миср хронологиясида ҳам муайян ўзгаришлар бўлиши табиийдир.

- 1 Алан Хендерсон Гарднер (1879 — 1963) — инглиз мисршуноси ва тилшуноси.
- 2 Повесть Петеисе. —М.: 1978.
- 3 И.Великорский (1895—1979) америкалик тарихчи олим. 1895 10 июнда Витебск (Белоруссия) шахрида тугилган. Москва Университетида ҳуқуқ ва кадимги дунё тарихини ўрганган. 1921 йили медицина фанлари доктори илмий унвонини олгач, аввало Германияга, кейинроқ, яъни 1939 йили Нью-Йорк шахрига кўчиб ўтган.
- 4 Хорун Яхъё. Погубление народы. — Истанбул, 2001; Чудо Корана. —М.: 2006.
- 5 Ветхий Завет. Книга Исход. — М.: Издательство Российского Государственного Гуманитарного Университета, 2000. —С. 13—14.
- 6 Мазкур нашр. — Б.13.
- 7 Мазкур нашр. —Б.43.
- 8 Куръони карим ("Юсуф", 99). Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. —Т.: "Тошкент ислом университети", 2006. — Б.246-247.
- 9 Мазкур нашр. — Б.246 — 247.

- 10 Мазкур нашр. —Б. 164.
- 11 Куръони карим ("Аъроф" 127). Мазкур нашр. —Б.165.
- 12 Каранг:
Куъони карим. 2:49; 2:127; 7:128,129, 130, 131,136,137; 17:103,104; 28:4-42.
- 13 Хрестоматия по истории Древнего Востока — М. 1980.— С.42.
- 14 Ветхий Завет. Книга Исход. Издательство Российского Государственного Гуманитарного Университета 2000, —С. 13— 14.
- 15 Авдиев В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М.: 1964. —С.304.
- 16 Хорун Яхья. Погубленные народы. —Стамбул, 2001. —Б.84—105.
- 17 Каранг: Леннарт Мюллер. Дело об Исходе
- 18 biblius.net
- 19 Авдиев В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М.: 1964. —Б.301.
- 20 Каранг: Авдиев. В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М., 1964. —Б. 184.
- 21 Инжил. —Стокгольм, 1992, (Библия лугати). — Б.7.
- 22 Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. 1-Н китоб. —Т.: 2004. — Б.83.
- 23 Ислом энциклопедияси. — Т.: "Узбекистан миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004. -Б. 169.
- 24 Мифы народов мира. —М.: «Советская энциклопедия», 1988. —С. 164—165.
- 25 Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. 1-П китоб. —Т.: 2004. —Б.83.
- 26 Мухаммад Содик Мукаммад Юсуф. Тафсири Хилол. Тўртинчи жуз. —Т.: 2006, — Б.362— 363.
- 27 Авдиев В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М.: 1964. —Б.301.
- 28 Кузицин В.И. История древнего Востока. —М.: 1974.
- 29 Рыжков К.В, Рыжкова Е.В. 100 Великих пророков и вероучителей. —М.: 2006. —С. 110; Энциклопедия. Все монархи мира. Древний Восток. —М.: 2001. —С. 148; Всемирная история. -Москва-Минск, 1999. — С.554 —562.
- 30 Мухаммад Содик Мукаммад Юсуф. Тафсири Хилол. Тўртинчи жуз. —Т.: 2006. —Б.370.
- 31 Мазкур нашр. — Б.380.
- 32 Ветхий Завет. Книга Исход. —М.: «Издательство Российского Государственного Гуманитарного Университета», 2000. —С.29.
- 33 Авдиев. В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М.: 1964. —Б.301.
- 34 Кузицин В.И. История древнего Востока. —М.: 1974.
- 35 Рыжков К.В, Рыжкова Е.В /100 Великих пророков и вероучителей. —М.: 2006. —С.110; Энциклопедия. Все монархи мира. Древний Восток. —М.: 2001. —С.148; Всемирная история. — Москва-Минск, 1999. —С.554 —562.
- 36 Авдиев В.И. Кадимги Шарк тарихи. —М.: 1964. —Б.262 —263.
- 37 Древний Восток. —М.: 1958. —С.43 —47.

Мавлуда РАХМОНОВА, Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси институти катта ўкитувчиси